

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВА ХИЛОЛА РАВШАНОВНА

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҚУЛУПНАЙНИНГ МАҲАЛЛИЙ
ВА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН НАВЛАРИНИ ХЎЖАЛИК -
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА АЙРИМ АГРОТЕХНИК
ТАДБИРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Абдуллаева Хилола Равшановна

Тошкент вилояти шароитида кулупнайнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навларини хўжалик-биологик хусусиятлари ҳамда айрим агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш..... 3

Абдуллаева Хилола Равшановна

Хозяйственно-биологические особенности местных и интродуцированных сортов земляники и разработка некоторых элементов агротехники в условиях Ташкентской области..... 23

Abdullayeva Khilola Ravshanovna

Economical-biological features of local and introduced cultivars of strawberry and development of some elements of agrotechnics under conditions of the Tashkent region..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВА ХИЛОЛА РАВШАНОВНА

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҚУЛУПНАЙНИНГ МАҲАЛЛИЙ
ВА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН НАВЛАРИНИ ХЎЖАЛИК -
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА АЙРИМ АГРОТЕХНИК
ТАДБИРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Qx67 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Байметов Карим Исаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кайимов Абдухалил

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Арзуманов Аркадий Шагенович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «31» май соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535226-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Тел.: 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил «18» майда тарқатилди.

(2018 йил «5» майдаги 20/1. рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д.,
академик.

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
қ.х.ф.н., доцент.

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида резавор мевалар етиштириш ҳажми 7–8 млн. тонна бўлиб, шундан 4 млн. тоннага яқинини кулупнай ташкил қилади. Кулупнай (*Fragaria spp*) етиштириш бўйича жаҳонда АҚШ етакчилик қилиб, 825 минг тонна ҳосил олинади. Испания 305 минг тонна, Япония 209 минг тонна, Жанубий Корея 203 минг тонна кулупнай етиштиради. Европада эса Польша ва Франция етакчилик қилиб, улар ҳар йили 180–100 минг тонна маҳсулот олади¹. Айрим мамлакатларда кулупнай етиштириш ҳажмининг бугунги кун талабига мос келмаслиги бу–серҳосил, турли муддатларда пишадиган ремонтант, истикболли навларнинг камлиги ҳисобланади.

АҚШ (Калифорния) Польша, Япония, Франция мамлакатларида кулупнай ўстиришнинг мақсадли йўналтирилган илмий–тадқиқот ишларининг самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқаришда серҳосил, биокимёвий таркиби яхши, меванинг товар хусусияти юқори, универсал, истеъмол қилишга ва қайта ишлашга яроқли, паст ҳароратга, касалликларга чидамли, очиқ ва ҳимояланган майдонларда ўсиш хусусиятига эга навлар устида изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда кулупнай етиштириш ҳажмининг пастлигига сабаб навлар сортиментида юқори ҳосилдор, иссиққа ва совуққа, замбуруғли касалликларга чидамли, интенсив, ривожланиш жараёни қисқа, меваларнинг юқори товарлилиги ва универсал қайта ишлаш хусусиятларга эга навлар ва гибридларнинг йўқлигидир. Ўсимлик сортиментини шундай навлар билан бойитиш, уларнинг ўстириш технологиясини такомиллаштириш республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида долзарб масала ҳисобланади². Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устивор йўналишида белгиланган “...юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш” вазифаси билан қишлоқ хўжалигини, айниқса, мевачилик ва узумчиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Ички бозорни ўзимизда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, мева-резавор меваларнинг серҳосил навларини жорий этиш, паст рентабелли пахта ва ғалла майдонларини қискартириш ҳисобига ошириш масаласи қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 мартдаги «Мева ва узум маҳсулотлари етиштириш кластерини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ 5388-сон Фармони ва 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси

¹ <http://growing-strawberry.ru/index.htm>; <http://givemebid.com/strawberry23032017/>

² Ризқ-рўзимиз бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуглаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. – Халқ сўзи, 2017 йил 17 декабрь, 248 (6942)-сон.

тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонининг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Боғ ва ремонтант кулупнайнинг янги селекцион навларини яратиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар АҚШ, Франция, Польша, Буюк Британия, Швеция, Болгария, Венгрия, Италия, Испания ва бошқа мамлакатларда V.Voth, R.S.Bringhurst, C.L.Ricketson, V.Mellenthin, V.Danvery, T.Veevs, P.Klassen, A.Teodorescu, L.Majoros, V.Hohne, L.Lenarto, P.Rosati, C.Fidehelli, A.Fourel, R.Richter, K.Sakshang каби олимлар томонидан олиб борилган. Ўзбекистонда кулупнай етиштириш бўйича турли йилларда М.М.Мирзаев, А.С.Татаурова, Л.М.Ро, Н.В.Ковалёв, Е.Д.Поталаха, С.И.Ягудина, В.В.Кузнецов, З.И.Колесник ва Р.М.Абдуллаев каби олимлар шуғулланишган.

Ушбу тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш кулупнайнинг маҳаллий селекцион навларининг ўсиб ривожланишининг физиологик ва биологик хусусиятларининг етарлича ўрганилмаганлиги, селекция жараёнида хорижий, айниқса, ремонтант навларнинг кам жалб қилинганлиги, вируслардан ҳоли, юқори сифатли кўчат етиштириш технологик масалаларининг, шунингдек, ўсимликни интенсив технология бўйича етиштиришнинг етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатади. Келтирилган таҳлиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, диссертацияда қўйилган вазифалар ечимини топиши долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим ва илмий–тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг: ГНТП-11 «Ўзбекистоннинг ҳар хил ҳудудлари учун мевали ўсимликлар ва узумнинг янги навларини яратиш ва янги яратилган маҳаллий ва интродукция қилинган касаллик ва зараркунандаларга чидамли юқори маҳсулдор ва мевалари юқори сифатли навларни ўрганиш» (2006–2008 йиллар); КХА-9-029 «Тошкент оазиси шароитида мева-резавор, цитрус ўсимликлари ва узум навларини қимматли-хўжалик комплекс белгиларига эга ноқулай омилларга (касалликка, совуққа, сувсизлик ва б.) чидамли навларни такомиллаштириш» (2009–2011 йиллар); КХА-8-042. «Тошкент вилояти шароитида мевали, резавор, субтропик, цитрус ўсимликлари ва узумни янги навларини яратиш ҳамда маҳаллий ва интродукция қилинган навларни ўрганиш» (2012–2014 йиллар); КХА-8-057-2015 «Комплекс хўжалик-ноёб сифатларга эга бўлган юқори сифатли мева ва резавор ўсимликларнинг навларини яратиш ҳамда маҳаллий ва интродукция қилинган навларни

ўрганиш» (2015–2017 йиллар); КХИ-5-021-2014 «Янги ва истиқболли қулупнай навларининг она боғларини Тошкент вилоятида яратиш, кўчатларини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2014–2015 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ва интродукция қилинган навлар коллекциясининг хўжалик-биологик кўрсаткичлари асосида қулупнай ҳосилдорлигини ошириш, улар орасидан энг маҳсулдор, касаллик ва экологик шароитларга мослашувчан навларни ажратиш ва қулупнай етиштиришнинг янги агротехник тадбирларини қисқартирилган технологик давр бўйича ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

боғ қулупнайининг коллекцион навларининг вегетация фазалари ва фенологик белгиларини ўрганиш ва улар орасидан энг ҳосилдор, совуққа, иссиққа ва касалликларга чидамли навларни аниқлаш;

нав-чанглатувчи комбинацияларини танлаш учун юқори даражадаги ўзидан чангланувчи навларни аниқлаш мақсадида қулупнай гуллари морфогенезининг хусусиятларини аниқлаш;

қулупнай коллекцияси ичидан тезпишарлиги билан ажралиб турувчи навлар гуруҳини ажратиш;

янгилигида ва қайта ишланган ҳолида истеъмолга яроқлилигини аниқлаш мақсадида коллекцион қулупнай навларининг товарбоплиги ва биокимёвий таркибини таҳлил қилиш;

янги истиқболли қулупнай навлари боғлари барпо қилиш муддати ва ўсимликларни экиш схемаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий ва хорижий селекцияга мансуб 42 та қулупнай нави, шунингдек, экиш схемалари ва муддатлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети қулупнайнинг республикамизга интродукция қилинган ҳамда минтақавий коллекциядан тезпишар, юқри маҳсулдор ва ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамли навлар гуруҳини ажратиш, янги навлар учун қисқартирилган икки йиллик доирада маҳсулот етиштириш технологиясининг асосий элементларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибалари, биокимёвий ва физиологик лаборатория таҳлиллари, шунингдек, ишлаб чиқариш синовлари мевачиликда умумқабул қилинган қуйидаги услубларда олиб борилди: қулупнай навлари ўсиб ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари «Программа и методика сортоизучения плодовых и орехоплодных культур» услуби бўйича ўрганилди. Биокимёвий таҳлиллар А.И.Ермакова умумий таҳрири остида нашр этилган «Методы биохимического исследования растений» услубий қўлланмасида келтирилган тавсияларга мувофиқ ўтказилди. Навларнинг курғоқчиликка чидамлилиги Э.А.Гончарова, иссиққа чидамлилиги Ф.Ф.Мацков тавсия этган услубда аниқланди. Илдиз тизими В.А.Колесников услубида, ер устки поялар микдори кузда гажакларни санаш йўли билан аниқланди. Барг сатҳи майдони ва транспирация Л.И.Иванов услубида, гул куртаклар морфогенези МБИ-3 микроскопида анатомик таҳлил қилиш услубида ўрганилди. Тажриба

маълумотларига статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов тавсия этган услуб бўйича ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда янги минтакавий қулупнай коллекциясидаги маҳаллий ва интродукция қилинган навларнинг морфо-биологик хусусиятлари аниқланган;

улар ичидан юқори ҳосилдор, мевасининг сифати яхши, янгилигида истеъмол қилиш ва қайта ишлашга яроқли универсал, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига мослашувчан навларни аниқланган;

истикболли қулупнай навлари учун етиштириш муддати икки йиллик янги интенсив технология ишлаб чиқилган;

қулупнай навларининг истикболли мақбул экиш схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қулупнай коллекциясидан ишлаб чиқаришдаги мавжуд навларга нисбатан юқори маҳсулдорлиги, экологик шароитларга мосланувчанлиги, товар кўрсаткичлари ва мевасининг биокимёвий таркиби билан фарқланувчи янги навлар ажратилган;

Тошкент вилояти шароитида олинган комплекс ўрганишлар натижасида ажратиб олинган истикболли қулупнай навлари орасидан Ўзбекистон республикаси ҳудудида етиштириш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига қулупнайнинг янги «Ўзбекистон гўзали» нави 2014 йили, «Баунтифул», «Редгоунтлет» ва «Кобра» навлари 2013–2015 йиллари Давлат нав синаш Комиссиясига топширилган бўлиб, 2018 йилдан ушбу навлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган;

янги истикболли қулупнай навлари учун, уларнинг морфо-биологик хусусиятларига боғлиқ равишда мақбул экиш схемалари ва муддатлари белгиланган;

коллекциядан қайта ишлаш саноати ва селекцияда қўллаш мумкин бўлган янги истикболли навлар ажратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар йили дала ва лаборатория тадқиқотларининг ўтказилганлиги, тажрибаларнинг академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, тажриба натижаларига ишлов беришда замонавий статистик таҳлил услубларидан фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳар хил экологик-географик гуруҳга мансуб боғ қулупнайнинг янги коллекцион навларига морфо-биологик ва хўжалик нуқтаи назардан баҳо берилганлиги, улар орасидан юқори ҳосилдорлиги, касалликларга ва ўстириш шароитларининг ноқулай экологик омилларига чидамли навларнинг ажратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ажратилган қулупнай навларидан селекцияда фойдаланиш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган. Қулупнай

етиштирувчи фермер хўжаликлари учун янги кулупнай навларини экишнинг аниқ муддатлари ва экиш схемалари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент вилояти шароитида кулупнайнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навларини хўжалик-биологик хусусиятлари ҳамда айрим агротехник тадбирлари ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

маҳаллий кулупнайни эртапишар «Ўзбекистон гўзали» нави яратилган ва 2014 йилдан экиш учун қишлоқ хўжалик экинлари реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси 2016 йил 19 декабрдаги 53/4-396-сон маълумотномаси). Натижада ушбу нав томорқа ва фермер хўжаликларида катта майдонларда экиб келинмоқда;

кулупнайнинг «Ўзбекистон гўзали» нави 2015–2017 йиллар давомида жами 5,3 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 16 декабрдаги 02/22-635-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кулупнайнинг истиқболли ушбу навдан томорқа ва фермер хўжаликларида гектаридан 6,32–7,23 млн сўм соф даромад олишга эришилган;

интродукция қилинган навлардан «Баунтифул», «Редгоунтлет» ва «Кобра» навлари 2018 йилдан экиш учун қишлоқ хўжалик экинлари реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси 2018 йил 31 январ 53/4-73-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навлардан юкори ва сифатли кулупнай ҳосили олинган ва рентабеллик даражаси ошиши кузатилган;

истиқболли навлар 2015–2017 йиллар давомида Тошкент вилоятида томорқа ва фермер хўжаликларида 5,2 гектар, Андижон вилоятида 5,0 гектар ва Фарғона вилоятида 1,2 гектар жами 11,4 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 16 декабрдаги 02/22-635-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида томорқа ва фермер хўжаликларида кулупнайнинг янги «Редгоунтлет», «Баунтифул» ва «Кобра» навларидан 17,539–19,404 млн. сўм соф даромад олишга эришилган;

кулупнай навларини парваришlash агротехнологияларидан мақбул экиш схемаси (70x20-25 см) ишлаб чиқилган ва фермер хўжаликларида жами 16,7 гектар майдонга жорий этилган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 16 декабрдаги 02/22-635-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бир гектар кулупнай плантациясидан 24,0 млн. сўм соф фойда олишга эришилган

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда ЎзҚХИИЧМ апробация комиссияси томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижаларининг асосий ҳолатлари академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Илмий кенгашида, шунингдек, куйидаги республика ва халқаро конференцияларда маъруза қилинган: «Қишлоқ хўжалик экинлари генофонди, селекцияси, уруғчилиги ва замонавий технологиялари» Республика илмий-амалий конференцияси (Тошкент, 2010 й.), «Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий қилиш муаммолари», халқаро илмий-амалий

конференцияси (Самарқанд, 2012 й.), «Состояние и перспективы развития Сибирского садоводства», материалы Международной научно-практической конференции, посвящённой 80-летию ГНУ НИИСС Россельхозакадемии (Барнаул, 2013 г.), «Proceedings of the Uzbek-Japan symposium on ecotechnologies. innovation for sustainability-harmonizing science, technology and economic development with human and natural environment», «Ўзбекистон мевасабзавот маҳсулотларининг устунлиги», Халқаро илмий-амалий конференция мақолалари тўплами (Тошкент, 2016 й.), «Ўзбекистонда мевачилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг асосий омиллари» Республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2017 й.).

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 1 та тавсиянома, 1 та каталог ва 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мавзунинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети берилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг биринчи бобида кулупнайнинг келиб чиқиши ва унинг морфо-биологик хусусиятлари бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқотларнинг батафсил шарҳи келтирилган. Жумладан, ўсимлик маҳсулдорлигининг ҳар хил йиллардаги етиштириш шароитларига боғлиқлиги келтирилган, кулупнайнинг касалликларга чидамлилиқ хусусиятлари тавсифланган, кулупнай селекциясининг янгилигида истеъмол қилиш ва саноат асосида қайта ишлашга яроқлилиқ нуқтаи назаридан йўналганлик тенденцияси изоҳланган, шунингдек ўсимликни етиштириш технологиясини интенсификациялаш йўналишидаги тадқиқотлар маълумотлари баён этилган.

Диссертациянинг “**Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуги**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари,

объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуби батафсил ёритилган. «Тадқиқот мақсади, вазифаси, объектлари ва услублари» бўлимида қулупнай навлари коллекцияси ўсимликлари билан тажрибалар олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби, янги қулупнай навларини етиштиришнинг қабул қилинган агротехникаси иқтисодий самарадорлигини баҳолаш каби мезонлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи бобининг «Ҳар хил келиб чиқиш гуруҳига мансуб қулупнай навларида фенологик фазаларнинг ўтиш хусусиятлари» бўлимида коллекцион қулупнай навлари ривожланишининг морфо-биологик тавсифи келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотларда, вегетациянинг энг эрта бошланиши Ўрта Осиё навларига мансуб эканлиги аниқланган. Ушбу гуруҳ навларида вегетация даври ҳаво ҳарорати +5,8°C бўлганида бошланган, вегетациянинг бирмунча кечроқ бошланиши Америка, Европа ва Россия навларида кузатилган. Ушбу навларда вегетация даврининг бошланиши ҳавонинг бир кеча-кундузлик ўртача ҳарорати +6,5°C дан юқори бўлганда кузатилган. Бунга боғлиқ равишда Тошкент вилояти шароитларида вегетацияси энг эрта бошланувчи навларга Европа гуруҳига мансуб навлардан «Зенга Прикоза», Америка навларидан – «Медвей», Россия навларидан – «Восход» навини киритиш мумкин. Уларда вегетация ҳавонинг бир кеча-кундузлик ўртача ҳарорати +4,7 +8,8°C атрофида бўлганда бошланган (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳар хил экологик-географик гуруҳга мансуб қулупнай навларида вегетация даврининг бошланиш муддатлари, 2009–2015 й.й.

Гуруҳ номи	Вегетация бошланган сана	Ҳавонинг бир кеча-кундузлик ўртача ҳарорати, °C	Ҳавонинг бир кеча-кундузлик ўртача ҳароратидаги фарқ, °C
Ўрта Осиё навлари	14,6/II	4,4-6,2	1,8
Америка навлари	14,6/II	4,7-8,8	4,6
Европа навлари	14,9/II	6,0-6,4	0,4
Россия навлари	15,1/II	4,7-8,1	3,4

Қулупнай навларида гуллаш фазасининг бошланишига вегетация бошланган санадан гуллашгача бўлган даврдаги фаол ҳарорат йиғиндиси таъсир кўрсатган.


Тадқиқотларда аниқланишича, қулупнайнинг коллекцион навларида ута талабчанлик турлича бўлган. Тадқиқот йилларида гуллаш фазаси аксарият қулупнай навларида фаол ҳарорат йиғиндиси +201,5°C дан +274,8°C гача бўлганда бошланган. Қулупнайнинг эрта гулловчи навларида гуллаш фазаси фаол ҳарорат йиғиндиси +201,5°C дан +230,4°C гача бўлганда кузатилган, кеч гулловчи навлар учун 1,3 марта кўпроқ иссиқлик энергияси, яъни +269,3°C дан +274,8°C гача ҳарорат йиғиндиси талаб этилганлиги қайд этилган.

Меванинг пишиш муддати кулупнай навларининг муҳим хўжалик белгиси ҳисобланади. У навнинг биологик ва хўжалик қимматини белгилайди.

Тошкент вилояти шароитида кулупнайни коллекциядаги навларининг пишиш муддатини ўрганиш шуни кўрсатдики, эртапишар навлар апрель охири май ойи бошларида, ўрта пишар навлар май ойининг биринчи ўн кунлигида, кечпишар навлар май ойининг биринчи ўн кунлиги охирида пиша бошлаган.

Ўрганилган кулупнай навларининг мевасининг пишиш муддати гуллаш фазасининг бошланиши ва тугаши давридаги тўпланган фаол ҳарорат йиғиндисига узвий боғлиқ бўлган. Эртапишар «Узбекистанская» навида меваларининг пишиши $+718,8^{\circ}\text{C}$, кечпишар «Зенга-Зенгана» навида $+830,1^{\circ}\text{C}$ фаол ҳарорат йиғиндисига тўпланганда бошланган.

Кулупнай коллекциясида навларнинг пишиш муддатини ўрганиш натижалари асосида қуйидаги учта гуруҳ ажратилган: меваси 5 майгача пишувчи эртапишар навлар – «Минусинка», «Пряя», «Узбекистанская», «Зенга Прикоза», «Красавица Загорья»; мевалари 1 майдан бошлаб пиша бошловчи ўртапишар навлар – «Редгоунтлет», «Ўзбекистон гўзали», «Стелимастер», «Зампошня», «Реличенко», «Великан», «Виктория», «Поздняя Любовь», «Баунтифул», «Гигана», «Санревал», «Джемиль». Кечпишар навлар – «Награда», «Мельзинская», «Гульдер», «Чулпан», «Гуанте Фармбадзе», «Медвей», «Дуглас», «Дана», «Чёрный Принц», «Урожайная», «Дисинская», «Внучка», «Самос», «Кобра», «Хеннон», «Искра», «Зенга-Зенгана» навларида мевалар ўртапишар навларга нисбатан уч кун фарқ билан пиша бошлаган (1-расм).



1-расм. Ҳар хил экологик-географик гуруҳларга мансуб кулупнай навларининг ўртача пишиш муддатлари, 2008–2015 йй.

Диссертациянинг «Кулупнайнинг ҳосилдорлигини ошириш учун навчангланувчи комбинациясини танлаш» бўлимида нав хусусиятларининг

ҳосилдорликка, мевасининг товар сифатлари, биокимёвий таркибига таъсири ва техник қайта ишлашга яроқлилиги ўрганилган. Қулупнайда ҳар хил типдаги гуллар шаклланади – функционал оналик, эркак ва икки жинсли. Ўсимликнинг ҳосилдорлиги унда шаклланадиган гулларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Бизнинг тажрибаларимизда гулларнинг чангланиш сифатини яхшилаш учун ота-она жуфтларининг турли комбинацияларидан фойдаландик. Уларнинг қулай комбинациясидан фойдаланиш меваларнинг тугувчанлигини 100 фоизга етказиш имконини берди. «Узбекистанская» нави учун энг яхши чанглатувчи нав «Баунтифул», «Память Шредера» учун «Редгоунтлет», «Кобра» учун «Узбекистанская» ва «Редгоунтлет», «Баунтифул» учун «Узбекистанская», «Редгоунтлет» учун «Узбекистанская» навлари ҳисобланди (2-жадвал)

2-жадвал


Қулупнай навлари гулларининг чанглаши ва тугиши

Ота-она жуфтлари		Чангланган гуллар сони	Шундан тугилгани	
она	ота		дона	%
Узбекистанская (st)	Кобра	135	119	88,1
	Стелимастер	122	118	97,5
	Редгоунтлет	139	135	97,1
	Баунтифул	118	118	100,0
	Эркин чангланиш	120	120	100,0
	Узбекистанская	182	148	77,0
Память Шредера	Узбекистанская	163	151	92,6
	Кобра	167	150	89,0
	Стелимастер	149	126	84,5
	Редгоунтлет	139	135	97,1
	Баунтифул	100	90	90,0
	Эркин чангланиш	152	145	95,4
Кобра	Узбекистанская	116	116	100,0
	Стелимастер	134	128	95,5
	Редгоунтлет	111	111	100,0
	Баунтифул	135	131	96,3
	Эркин чангланиш	134	132	98,4
	Кобра	172	166	96,4
Баунтифул	Узбекистанская	114	114	100,0
	Кобра	119	115	96,6
	Стелимастер	145	139	96,1
	Редгоунтлет	141	131	92,9
	Эркин чангланиш	155	154	99,3
	Баунтифул	129	113	87,5
Редгоунтлет	Узбекистанская	116	116	100,0
	Кобра	125	122	97,6
	Стелимастер	130	119	91,5
	Баунтифул	116	115	99,1
	Эркин чангланиш	141	126	89,3
	Редгоунтлет	161	133	82,6

Тадқиқ қилинган қулупнай навларининг коллекцияси ичида энг юқори маҳсулдорлик Европа гуруҳида «Кобра» ва «Редгоунтлет» навларида – 110,3–

113,4 ц/га, Америка гуруҳида «Баунтифул» навида – 101,9 ц/га кузатилди. Россия ва Ўрта Осиё гуруҳи навларида бундай ҳосилдорлик қайд этилмади. Тажрибада уларнинг ҳосилдорлиги 75,7 ц/га. дан ошмади, яъни уларнинг ҳосилдорлиги Европа ва Америка гуруҳи навларига нисбатан 5,72–7,10 ц/га. га кам бўлди. Қолган коллекцион навларда ушбу кўрсаткич 15,3–21,0 фоизга паст бўлди. Бу шундан далолат берадики, ҳатто Европа ва Америка гуруҳи навларининг шартли юқори ҳосилдорлигида ҳам қулупнай ҳосилдорлигини хорижий давлатларнинг илғор хўжаликларидаги каби энг камида 100,0–120,0 ц/га. га етказиш учун қўшимча тадқиқотлар олиб бориш тақозо этилади (2-расм).

Қулупнай мевасининг озуқавийлик қиммати унинг биокимёвий таркиби – қандлар, эрувчи қуруқ моддалар, органик кислоталар, витаминлар ва биологик фаол моддалар миқдори бўйича белгиланади.



2-расм. Қулупнайнинг коллекцион навларининг ҳосилдорлиги, ц/га

Бизнинг тажрибаларимизда қулупнай меваларининг таркибидаги қанд миқдори 8,0–8,8% чегарасида ўзгарди. Навлар бўйича у қуйидагича бўлди: «Кобра» 5,6%, «Джемил», «Зенга Прикоза» ва «Великан» 8,0%, «Санревал» ва «Медвей» 8,2%, «Восход» 8,3%, «Прея» 8,8%. Қандларнинг энг кўп тўпланиши ёғингарчилик кам бўлган ва фаол ҳарорат йиғиндиси юқори бўлган йилларда қайд этилди.

Қулупнай мевалари таркибидаги С витамини миқдори 32,43–78,8 мг% чегарасида ўзгарди ва у ҳам нав хусусиятларига, ҳам йилнинг метеорологик

шароитларига боғлиқ бўлди. Юқори витаминли навларга яқин «Прея», «Зенга Прикоза» навлари, ўртача витаминли – «Ўзбекистанская», «Стелимастер», «Сюрприз ВИРа», «Зампошня» ва «Чулпан» навлари ажралиб турди.

Қанд микдори бўйича «Зенга Прикоза», «Санревал», «Медвей», «Прея», «Восход», «Великан», «Джемиль» навларида нисбатан юқори бўлди.

Мевалар таркибидаги эрувчан куруқ моддалар микдори бўйича навларни қуйидаги кетма-кетликда тавсифлаш мумкин: «Санревал» – 16%, «Медвей» – 13,7%, «Восход» – 12,5%, «Чулпон» – 12,1%. Органик кислоталарнинг энг кам микдори «Ўзбекистон гўзали», «Прея», «Санревал», «Баунтифул», «Великан», «Кобра» навларида қайд этилди.

Ўрганилган кулупнай навлари мевасининг дегустацион баҳоси шуни кўрсатдики, ташқи кўриниши ўзига жалб қилувчи навлар сифатида эртапишар навлардан «Редгоунтлет» – 4,7 балл, ўртапишарлардан «Баунтифул» – 4,4 балл, «Виктория» ва «Сюрприз ВИРа» – 4,3 баллдан, кечпишарлардан «Самос» – 4,5 балл ва «Гульдер» – 4,3 балл билан ажралиб турди.

Меваларнинг консистенция сифати бўйича «Ўзбекистон гўзали» ва «Минусинка» – 4,4 балла, ўртапишар – «Баунтифул», «Сюрприз ВИРа» ва «Виктория» мос ҳолда – 4,4 ва 4,3 балл баҳога эга бўлди.

Ёқимли ҳиди бўйича «Ўзбекистон гўзали», «Сюрприз ВИРа» ва «Виктория» навлар 4,3–4,4 балл билан баҳоланди.

Юқори таъм сифатлари ўрганилган кулупнай навларида қуйидагича тавсифланди: энг яхши кўрсаткичли навлар «Самос» – 4,6 балл, «Редгоунтлет» – 4,5 балл, «Минусинка», «Санревал», «Сюрприз ВИРа» ва «Виктория» 4,2–4,3 балл билан баҳоланди. Мевасини таъм сифатларининг умумий дегустацион баҳосида қуйидаги навларнинг устунлигини кўрсатди: «Самос», «Виктория», «Ўзбекистон гўзали», «Редгоунтлет», «Сюрприз ВИРа» ва «Гульдер» – 4,3–4,5 балл.

Кулупнай шарбатининг дегустацион баҳоси шуни кўрсатадики, шарбатининг ранги, ҳиди ва таъм сифати бўйича энг юқори – 5 баллга «Редгоунтлет», «Баунтифул», «Зенга Прикоза» ва «Зенга-Зенгана» навлари эга бўлди, ушбу кўрсаткич бўйича «Ўзбекистон гўзали», «Сюрприз ВИРа», «Кобра» ва «Чулпон» навлари 4 балл билан баҳоланди.

Кўрсатилган навларнинг мураббоси юқори сифатларга эга бўлди. «Ўзбекистон гўзали», «Ўзбекистанская» ва «Баунтифул» навларининг мураббоси энг юқори – 5 балл билан баҳоланди. «Кобра» навидан ўзига жалб қилувчи кўринишга эга яхши таъм сифатли мураббо олинди.

Диссертациянинг «Кулупнай навларининг абиотик ва биотик омилларга чидамлилиги» бўлимида навларнинг қишга, совуққа, қуруқчиликка чидамлилиги ва касалликларга чалинувчанлиги ўрганилган. Тадқиқотларда аниқланишича, чуқур қишки тиним даврида (январь-февраль ойлари) кулупнай навлари –10°С гача совуқни талофатсиз ўтказиши мумкин. Бироқ, ҳаво ҳарорати –15–20°С гача пасайганда ушбу ойларда ер остки қисмда шаклланган генератив куртакларнинг зарарланиши 85-100 фоизгача етиши мумкин.

Гул куртакларининг эрта баҳорги аёзли совуқларга чидамлилигини кузатиш шуни кўрсатдики, гулларнинг нобуд бўлиши навлар бўйича ўртача 30–42%,


эколого-географик гуруҳларга кўра эса 34–39% чегарасида ўзгарди. Ўрта Осиё гуруҳида гулларнинг энг кўп nobуд бўлиши «Сюрприз ВИРа» (42%), «Ўзбекистон гўзали» (40%) ва «Узбекистанская» (40%) навларида қайд этилди. «Гульдер» навида ушбу кўрсаткич 5–7% камроқ бўлди. Америка гуруҳида гуллар камроқ nobуд бўлди, яъни «Баунтифул» ва «Стелимастер» навларида – 35%, Европа навларидан «Гуанте Фармбадзе», «Кобра» ва «Хеннон» навларида 30 фоизгача, Россия гуруҳида «Великан» навида ҳам 30 фоизгача гуллар nobуд бўлди. Келтирилган тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, қулупнай навларининг географик келиб чиқиши ўсимликларнинг эрта баҳорги аёзли совуқларга чидамлилигига кучли таъсир кўрсатмайди.

Ўсимликларнинг юқори ҳароратларга чидамлилигини таъминловчи муҳим омил навларнинг иссиққа чидамлилиги ҳисобланади.

Россия гуруҳи навларида ёз ойларидаги жазирама иссиқларга энг юқори чидамlilik «Десертная Кубани» навида қайд этилди. Ушбу навда июнь ойидаги ҳавонинг ҳарорати +45°C га етганда 0,2% барглар, июлда 8%, августда 20% барглар зарарланди. Ҳаво ҳароратининг +45°C дан кейинги ҳар +5°C га ортиши билан салбий таъсир 8-15 фоизга кўтарилди ва ҳарорат +60°C бўлганда у 60 фоизга етди.

Европа гуруҳи навларида ўсимликларнинг иссиқликка у ёки бу даражадаги алоҳида чидамlilik қайд этилмади. Ўрганилган навларнинг барглари ёз ойларида ҳавонинг ҳарорати +50°C +60°C бўлганда аввалги гуруҳ ўсимликлари сингари қуриб қолди.

Ёзги жазирамаларга чидамlilikнинг энг яхши кўрсаткичлари Ўрта Осиё гуруҳи навларида қайд этилди. Буларга «Узбекистанская» ва «Ўзбекистон гўзали» навларини мисол қилиш мумкин, Америка навлари – «Баунтифул» ва «Медвей» навларида ҳам иссиққа чидамlilik юқори бўлиб, ҳавонинг ҳарорати +55°C бўлганда ҳам қуриб қолган барглар микдори 28–35 фоиздан ошмади, бу эса Россия ва Европа гуруҳи навларига нисбатан 32% кам демакдир (3-расм).




3-расм. Қулупнай баргларининг иссиққа чидамлилигини навлар хусусиятига таъсири, %

Ўсимликлар ҳаётида баргларида сувнинг транспирацияси муҳим физиологик жараён ҳисобланади. У фотосинтез жараёнининг меъёрида кечиши ва ўсимликларда ҳарорат тартибининг бошқарилишида муҳим роль ўйнайди.

Ҳар хил навларда транспирацияга сувнинг сарфланишини қиёслаш шуни кўрсатдики, бутун вегетация даври давомида организмнинг фаол ҳолатда бўлишини таъминлаш учун сувнинг энг кўп сарфланиши «Зенга-Зенгана» навида 14,9 мг/дақиқадан 32,1 мг/дақиқагача бўлди. «Кобра» навида ушбу мақсадда 13,0 дан 27 мг/дақиқагача сув сарфлаганлиги кузатилди.

Гул куратқларининг шаклланиши даврида энг кўп сув сарфи «Зенга-Зенгана», «Кобра», «Великан» ва «Стелимастер» навларида 26,1 мг/дақиқадан 32,1 мг/дақиқагача бўлди. Вегетация сўнгида сувнинг сарфи барча навларда деярли бир хил кўрсаткичда бўлди ва у навлар бўйича 3,9–5,3 мг/дақиқа чегарасида ўзгарди (4-расм).



4-расм. Вегетация фазаларини ўтишида кулупнай навларининг баргларида транспирация жадаллиги, 2010–2013 йй.

Она тупларда гажаклар ривожланиб, тупроққа текканда илдиз олгач, улардан янги кулупнайзор барпо қилишда фойдаланиш мумкин.

Тажрибада ўрганилган навлар орасида энг юқори гажак ҳосил қилиш хусусияти билан «Ўзбекистон гўзали», «Ўзбекистонская» ва «Память Шредера» навлари ажралиб турди, уларда биринчи йилги вегетация даврида кўчат чиқиши 627–798 минг дона/га. ни ташкил этди, иккинчи йилда ушбу кўрсаткич мос ҳолда 595 ва 720 минг дона/га бўлди. Кечпишар навлардан ушбу хусусият кулупнайнинг «Великан», «Джемиль» ва «Кобра» навларида кузатилди, уларда кўчат чиқиши 627 минг донадан 855 минг дона/га. гача бўлди. Гажакларнинг ривожланиши бўйича она тупларнинг энг маҳсулдор даври сифатида учинчи

йилги вегетацияни кўрсатиш мумкин.

Диссертациянинг «Барг аппарати, илдиз тизими ўсимликларнинг маҳсулдорлигига наф фарқларининг таъсири» деб номланган бўлимида қулупнай навларида ассимиляция аппаратининг шаклланиши, илдиз тизимининг ривожланиши ва уларнинг ҳосилдорлигига ўсимлик таъсири келтирилган.

Биринчи йилги вегетация даврида барг сатҳи майдонини кузатиш шуни кўрсатдики, барча навларда барг аппаратининг жадал ривожланиши баҳор ойларига тўғри келди. Бинобарин, агар баҳорда ўсимликлар 54–115 см² майдонли барг аппарати шакллантирган бўлса, ёзда уларнинг ривожланиши 9,6 фоизга пасайди ва 53 ҳамда 104 см² ни ташкил этди, кузда эса мос ҳолда 51–72 см² бўлди, бу эса баҳорги даврга нисбатан 15,3 фоизга кам демакдир.

Синалган қулупнай навларидан энг катта барг майдони билан «Ўзбекистон гўзали» ва «Медвей» навлари ажралиб турди, уларда биринчи ва учинчи йилги вегетация якунида ушбу кўрсаткич қиймати мос ҳолда 91 ва 82 см² атрофида бўлди, барг сатҳининг энг кичик ўлчами – 48 см² қулупнайнинг «Минусинка» навида кузатилди.

